

O'ZBEKISTON



O'VOZI IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 7-noyabr • Seshanba • 132 (27.623) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»



ЭЛИМИЗ ДОИМ ОМОН БЎЛСИН

Термиз шаҳридаги 1-вилоят шифохонаси жамоасининг мақсади ана шундай

Инсон соғ-саломат бўлса, меҳнатида унум, ишида барака бўлади. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий

йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган эди. Утган қисқа даврда мамлакатимиз тиббиётида

улкан ислохотлар амалга оширилди. Фойдаланишга топширилган юзлаб қишлоқ врачлик пунктлари, замонавий шифохоналар бугун минг-минглаб юртдошларимизга хизмат кўрсатмоқда.

Бу борада Термиз шаҳрида жойлашган 1-вилоят шифохонасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳсинга лойиқдир.

— Инсон учун саломатлик бебаҳо бойлик — дейди шифохона бош врач Аҳмад Дўсбоев. — Беморларга ширин муомалада бўлиш, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш асосий бурч ва вазифамиздир.

Этиборлиси шундаки, яқинда Президентимиз Фармонида асосан иш ҳақимиз 1,2 фоизга оширилди. Бу эса бизни янада руҳлантирмоқда.

Мазкур шифохона жаррохлик маркази-

ни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида яқинда Япониянинг 85 минг 625 АҚШ долларига тенг бўлган гранти қўлга киритилди. Бундан ташқари, Германиядан 1 миллион евро миқдордаги жиҳозлар олиш режалаштирилган.

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан Ортопедия ва травма асоратларини даволаш марказини капитал таъмирлаш учун 147 миллион сўм маблағ ажратилган. Шифохонада кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик ҳам кўрилмоқда. Бугунгача учта қозонхона мукамал ва биттаси жорий таъмирланган.

(Ўз мухбиримиз)

Суратларда: бир гуруҳ шифокорлар. Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар



• ЎзХДП вилоят кенгашларида

ПАРТИЯ ХОДИМИ

нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол инсон, балки ҳуқуқий саводхон ҳам бўлиши керак

Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ва мазкур ўқув юрти ҳамкорлигида «Суд ислоҳоти: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари» мавзусига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раислари, маҳаллий партия кенгашлари раҳбарлари, институт профессор-ўқитувчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаритиш органлари вакиллари иштирок этдилар.

Анжумани Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов счиб, ўз сўзида ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти тобора шаклланиб бораётган мамлакатимизда суд тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг аҳамияти, бу ишда партия ташкилотлари, депутатлик корпусининг иштироки масалаларига алоҳида тўхталди. Тошкент давлат юридик институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, профессор Мирзаюсуф Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутгани, уни изчиллик билан

амалга оширишда кенг жамоатчилик, Ўзбекистон ХДП фаоллари бевосита иштирок этиши лозимлигини таъкидлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуманноп Раҳимов ва Фахриддин Ражабовлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўғрисидаги конституциявий қоидаларга риоя этилишини таъминлашга хизмат қиладиган қонунчиликни такомиллаштириш, палатада бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирдилар. Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партия электорати, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларнинг асосий йўналишлари, ЎзХДП кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналарининг фуқаролар муаммоларини ўрганиш

ва ҳал қилишдаги ролини ошириш бўйича амалга оширилаётган вазифалар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг иштироки ҳақида ҳам маърузалар тингланди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда суд ислохотининг роли, ўлим жазосини бекор қилиш, қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш билан боғлиқ масалаларни институт олимлари шарҳлаб бердилар.

Анжуманда Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларидан келиб чиқиб, институт қошида фаолият кўрсатаётган «Юридик клиника» хизматларидан фойдаланиш ва партия кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари билан мазкур бегараз маслаҳат клиникасининг ҳамкорлиги бўйича келишиб олинди. Семинар иштирокчилари клиника иши билан яқиндан танишдилар. Таъбир давомидда фаол партия аъзоларига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши «Экспресс» китобига киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда Фаҳрий ёриқлар топширилди.

Беҳзод ШУКУРОВ



Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

«ОБУНА — 2007»

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — бу Сизнинг газетангиз!

2006 йил давомида кўплаб долзарб мавзуларда чиқишлар қилган, келгуси йилда ҳам одамлар дилидаги гапларни айтишни режалаштирган газета! «ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастури ва сўллик позициясидан келиб чиқиб, ижтимоий муаммоларга энг кўп эътибор қаратадиган, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қиладиган газета.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — бу Сизнинг овозингиз, Сизнинг газетангиз!

Агар келгуси йилда ҳам газетамизда ўзингизни қизиқтирган, ёки кўпчиликни ўйлантириб келаётган мавзулардаги таҳлилий, танқидий, мулоҳазали мақолаларни, суҳбатларни ўқини истасангиз, дунёда бўлаётган жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлишни хоҳласангиз 2007 йил учун газетамизга обуна бўлинг! Напр индекси: 220

БУ ҲАҚДА...



«Аҳолининг иш билан бандлигини ва даромадларини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар мамлакатимиз давлат сиёсатининг энг муҳим устувор вазифаси ҳисобланади. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўртача 20 фоизга кўпайтирилди. Январь-сентябрь ойлари мобайнида аҳоли жон боши ҳисобига реал пул даромадлари ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 20,1 фоизга, ўртача номинал иш ҳақи 33,8 фоизга ўсди. Утган давр мобайнида республикада 438,0 минг янги иш ўринлари ташкил этилди. Мақсадли комплекс дастурларнинг, шу жумладан хизматлар соҳаси ва сервисни, касаначиликни, чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли комплекс дастурларни амалга оширишнинг, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг иш билан таъминлашдаги роли ошмоқда».

БУ ҲАҚДА Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 октябрда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 9 ой яқунларида бағишланган мажлисида айтилди.

ҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?..

• Долзарб мавзу

Кузнинг сўнгги оғи биринчи ўн кунлиги яқунланяпти. Бугунги илик-иссиқ кунлар ҳам ганимат. Қишнинг совуқ қаҳратони бирдан эшик тақиллатганини сезмай ҳам қоламиз. Базан совуқ захрини егандан сўнг хонадонингизнинг қишга тайёр эмаслиги ҳақида ўйлаб қоласиз. Бутун мамлакатни табиий газ, ичимлик суви, электр қуввати билан таъминлайдиган ва коммунал хизмат кўрсатиш тизимлари эса ушбу йўналиш бўйича анча олдинроқ сирасини айтганда аввалги қиш мавсуми тугаши биланоқ чора-тадбир белгилайдилар. Табиийки, ҳар биримиз қиш мавсуми яхши ўтишидан манфаатдоримиз. Зеро, ўтган йиллардаги баъзи худудларда табиий газ босимининг пасайиши, электр энергиясидаги чеклашлар, кўп қаватли уйларимизда баъзи бир носозликлар барчамизга, яъни мутасаддилар ва фойдаланувчиларга сабоқ бўлиши керак.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тадбирда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ботир Тешабоев, «Ўзкоммунизмат» агентлиги бош директори Ўткир Холмухаммедов, «Ўзтрансгаз» компанияси бош директори Иркин Вагапов 2006-

2007 йилги кузги-қишқи тайёргарлик тўғрисида батафсил маълумот бердилар. ОАВ вакиллари саволларига батафсил жавоб қайтаришди. Улар, жумладан, қуйидагиларга тўхталдилар.

— Кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик, унинг қандай ўтиши коммунал соҳадаги ислохотларнинг индикатори десак, асло янглишмаймиз, — деди «Ўзкоммунизмат» агентлиги бош директори Ў.Холмухаммедов. — Тизимимизда асосий 26 кўрсаткич, жумладан, қозонхоналар, иситиш, газ, сув тармоқлари, мактаб ва боғчалар, кўп қаватли уйларнинг мавсумга тайёрлиги ҳақида доимий мониторинг олиб борилади. Кўзланган мақсадга фақат Вазирлар Маҳкамаси қароридан белгиланган чораларни амалга ошириш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ишини яхшилаш билангина эришиб бўлмайди. Бу ишда бевосита аҳолининг ўзи ҳам иштирок этиши керак. Биргина мисол: бу йил 3,5 мингта кўп қаватли уйларни таъмирлаш режалаштирилган эди. Шу кунгача 2 минг 800 таси таъмирдан чиқарилди, қолганларида эса ишлар давом этаёпти. Бунга сарфланган 28 миллиард сўм маблағнинг 70 фоизи, яъни 18 мил-

лиард сўми давлат бюджетидан ажратилиши белгиланган. Давлат томонидан қопланадиган маблағнинг 90 фоизи ажратилган ҳолда, аҳолидан йиғилиши лозим бўлган қисмининг 56 фоизигина таъминланди.

Кўп қаватли уйларнинг 98 фоизи хусусийлаштирилган. Шунга қарамадан, яқиндаги каби ғамқўрлик, яъни капитал таъмирлашнинг асосий қисмига давлат томонидан маблағ ажратилиши дунёнинг ҳеч бир мамлакатиде йўқ. Уйлаймики, уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этишдаги янгиликлар аҳолининг ўз уйига бўлган муносабатини ўзгартиради. Дунё таъмирбасида битта уйи битта ширкат бошқаруши энг қўлай усул эканлиги тасдиқланган. Бизда ҳам олдин 5-10 та уйни бирлаштирган ширкатлар тузилди. Битта уй битта ширкатга бирлашган ҳолда уй-жой ҳақини ундириш ҳам, унинг нимага сарфланиши устидан назорат ҳам осон бўлади.

— Сўнгги икки йилда кузги-қишқи мавсумда газ билан таъминлашдаги узиллишлар, камчиликларни чуқур ўрганиб бу йилги вазифаларимизни режалаштириб олганмиз. Кўпинча айрим худудларда аҳоли табиий газлаштириш масалаларини қўлариб чиқишди. Афсуски, ҳеч

қандай техник имконият бўлмаган тоғ қишлоқларини, беш-олтигагина хонадондан иборат бўлган ва магистрал газ қувурларидан узокда бўлган аҳоли яшаш манзилларини газлаштиришни имконияти йўқ, — деди «Ўзтрансгаз» компанияси бош директори И.Вагапов.

— Йилнинг бошқа мавсумларида бир кеча-кундузда 90-100 миллион киловатт-соат электр энергияси истеъмол қилинса, қишнинг совуқ кунларида бу рақам 145-160 миллион киловатт-соатга етади, яъни 30 фоизга ошади. Тизимимизда ишлаб чиқилган дастур асосида кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик учун 86 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Ҳозиргача бу борадаги асосий ишлар бажарилди, — деди «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Б.Тешабоев. — Кўмир билан таъминлаш ҳам бизнинг зиммамиздаги вазифа. Белгиланган 300 минг тонна кўмир биржа савдолари орқали жойларга етказиб берилди. Қўшимча талаб қилинган кўмирнинг ҳам 20 ноябргача етказиб беришимиз.

У журналистларнинг саволларига жавоб берад экан электр қуввати нархи ҳақида тўхталиб ўтди. Мамлакатимизда 95 фоиз

электр қуввати иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилишини, нархининг 70 фоизини сарфланган табиий газ ҳақи ташкил этилиши таъкидлади.

Шунингдек, жойларда бўладиган электр қувватини узатишни тўхтатиш, яъни ўчиришларни изоҳлаб, Вазирлар Маҳкамасининг 32-қарори асосида тасдиқланган «Электр қувватидан фойдаланиш қоидаларига асосан авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида белгиланган тартиб» бўйича ўчириш қонуний эканлигини айтди. Аммо, қонунга эид ўчириш ҳоллари учун айбдорларга нисбатан тегишли чоралар қўришга тайёрмиз, деди у.

Аҳолидан тўловларни ундириш масаласига тўхталиб, 90-йилларда аҳолининг 70 фоизи ҳеч қандай оғохлантиришсиз фойдаланилган электр ҳақини тўлаган бўлса, ҳозир 80 фоиз истеъмолчини электр ҳақидан қарзи борлиги ҳақида эслатиб қўйишга тўғри келяпти.


Таъминотчи ва истеъмолчи орасидаги тушуנוвчиликларни узил-кесил бартафат этишнинг энг мақбул йўли электр ҳисоблагичлар ўрнатилиши эканлигини икки томон ҳам тушуниб етган. Агар ҳисоблагич сифатли бўлса яна-да яхши. Тизимимизда электр

ҳисоблагичлар ўрнатиш бошланди. Пойтахтнинг Миробод тумани хонадонларида ана шундай ҳисоблагичлар ўрнатилади, деди у.

Журналистлар ҳар учала тизим раҳбарига уларни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Хусусан, Чирчиқ шаҳрида айрим хонадонлар иссиқлик таъминотидан узиб қўйилганлиги, айрим вилоят ва туманларда куннинг маълум муддатларида электр қуввати узатилмаслиги, назоратчиларнинг ўзи электр ҳисоблагичларнинг қўрсаткичларини маълум ҳақ эвазига камайтириб беришлари каби фактлар учраши, уларни бартафат этиш бўйича қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида сўрадилар.

Дарҳақиқат, базан ҳар учала тизим хизматиде ҳам узиллишлар, базан камчиликлар учраб туриши бор гап. Аммо сифатли хизматни ташкил этиш учун таъминотчи корхона ҳисобига қўрсатилган хизмат ҳақи ўз вақтида келиб тушиши лозимлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Хуллас, қарс икки кўндан...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон ОВОЗИ» мухбирлари



ФУТБОЛ БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

● Спорт



ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ:

ФИНАЛ ЙЎЛЛАНМАСИ НАҚД...



Пойтахтимиздаги «Истиклол» спорт мажмуида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини футбол бўйича уюштирилган Олимжон Ахбаров аънавий хотира турнири ниҳоясига етди. «Sport» ва «O'zbekiston futboli» газеталари соврини учун ўн кун давом этган қизиқарли баҳсларда йигирмата жамоа голиблик учун кураш олиб борди.

Мурасасиз ва кескин ўтган мусобақа финалида «Ўзбекистон футболи» — МТРК жамоалари бош соврин учун майдонга тушди. Барчада катта қизиқиш уйғотган ҳал қилувчи учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтда 2:2 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди. Пенальтилар сериясида эса омад Миллий телерадиокомпания вакилларига қўлиб бокди — 2:3. Учинчи ўрин учун ўтган «Наврўз» FM — «Маърифат» жамоалари ўйинида эса радиочилар маърифатчиларга ҳеч қандай имконият қолдирмади — 7:0.

Турнир якунида голиб ва совриндорларга диплом, медаллар ҳамда қimmatбоҳо совғалар топширилди. Шунингдек, мусобақанинг «Энг яхши дарвозабони», «Энг яхши ҳимоячиси», «Энг моҳир тўпурари», «Энг ёш иштирокчиси», «Ғалабага бўлган иродаси учун», «Энг ёши улғ

сида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилган мусобақа якунида маълум даражада муддаога эришганлигимиздан хурсандимиз. Келгусида ташкилотчи ва ҳомийлар билан келишган ҳолда хотира турнирини халқаро миқёсда ҳам ўтказишни режалаштириб қўйдик.

Эркин ХОЛБОБО
Суратларда: мусобақадан лавҳа; турнирнинг «Энг ёши улғ иштирокчилар» — Сайди Умиров (ЎЗДЖТУ) ҳамда Ахбор Имомхўжаев («Наврўз» FM).
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финал баҳсларининг жавоб учрашувлари ўтказилди. Тошкентда уюштирилган «Пахтакор» — «Трактор» жамоалари ўйинида тракторчилар ўз дарвозалари тўридан етти бор тўп олиб чиқшга мажбур бўлишди — 7:1. Ушбу жамоаларнинг дастлабки баҳсида ҳам дарвозаларга саккиз тўп киритилиб, 6:2 ҳисобида зафар қўчган пахтакорчилар финал йўлланмасини муддатидан илгари деярли нақд қилишганди.

Муборақда ўтган биринчи ўйинда «Машъал» жамоасига 0:2 ҳисобида имкониятни бой берган «Нефтичи» футболчилари Фарғонада мағлубият аламини олмоқчи эди. Бирок, меҳмонда муносиб тўп сурган муборакликлар рақиблари умидини чипакка чиқарди — 2:2.

Шундай қилиб, икки учрашув натижасига кўра, ғалаба қозongan «Пахтакор» ва «Машъал» жамоалари финал йўлланмасини қўлга киритди. Бу жамоалар ўртасидаги ҳал қилувчи учрашув 8 ноябрь куни бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

АСКАРЛАРГА ИМТИЁЗ

Мудофаа вазири томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказилган давра суҳбатидида қайта-қайта таъкидландики бугун армияга борувчи талабгорлар кўп. Лекин муддатли ҳарбий хизматга йиғилар танлаб, сараланиб олинган.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш фахри, шарафи, шу билан бирга ўта масъулиятли бир ишга айландики, бу бор куч ва имкониятларни ишга солишни талаб этади. Ҳарбийдан резервага бўшатиётганларга катта эъти-

бор, ғамхўрлик кўрсатилмоқда, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмак берилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида мамлакат олий ўқув юртиларида ўқиниш ишловчи аскарлар учун тегишли фанлар бўйича таъбирлов курслари ташкиллаштирилиб, ушбу таълим жараёнига тахрибаги педагоглар жалб этилган. Аскарлар резервага бўшатиладиган сўнг ҳам бевоисита олий ўқув юртилари қошидаги бепул курсларда ўз билимларини оширишлари мумкин.

Жанговар ва ихтишоий-сиёсий тайёрларлик машғулотлари-

да, ҳарбий интизом борасида юксак натижаларга эришган, тест синовларидан муваффақиятли ўтган ҳарбий хизматчиларга қисм қўмондонлиги томонидан ўқишга киришга умумий баллнинг 25 фоизи миқдоридида имтиёз ҳуқуқини берувчи Тавсияномалар топширилади.

Ҳарбий хизмати ўтаган, шартнома асосида олий ўқув юртиларига кирган талабалар, агар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати жамоат ишларида фаол қатнашган тақдирда шартнома пулининг 35 фоизини ташкилотнинг ўзи тўлайди.

Ишга жойлашишда ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар устуллик ҳуқуқига эга. Армияга чиқарилгунга қадар ишлаганларнинг эса мажбурий равишда иш ўринлари сақланади ва бу уларга иш фаолиятини давом эттириш имконини беради.

Ушбу чораларнинг барчаси аҳоли ўртасида армия хизмати нуфузининг ўсиши, жамоатчилик орасида аска — асл ватанпарвар, Ватанига содиқ ҳимоячи сиймосининг шаклланишга хизмат қилади.

Равшан ШОДИЕВ

● Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига

«ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ИЛМ ДАРГОҲИ»

Бундан минг йил аввал Хоразмда фаолият кўрсатган, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Маъмун академиясининг Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланиши мамлакатимиз илм аҳли учун ҳам катта воқеа бўлди. Яқинда ЎзРФА И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти наشريети «Қайта тикланган илм даргоҳи — Возрожденный храм науки» рисоласини нашрдан чиқарди.

Унда Хоразм Маъмун академиясининг қайта

тиклаш ҳақидаги Юртбошимизнинг Фармони, академиянинг географик жойлашиши, илм даргоҳида фаолият қўриган олимлар ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берилади. Фикримизча, ушбу рисола китобхоналарга академиянинг ўтмиши ва айни пайтдаги илмий фаолияти ҳақида зарур манба бўлиб хизмат қилади.



● Қинғир иш — келтирар ташвиш

ҚОРА НИЯТЛИ «МЕҲМОНЛАР»

Афғонистонлик «биродарлар» қирқ кило опий, 1600 афғон пули, жанговар «АКМ» автомати, 26 донга ўқ-дори билан Амударёдан кечиб ўтаётганда ушланган бўлса, тожикистонлик оғуфурчулар юз килограмм героини гийёҳандлик моддаси билан қўлга олишди.

Маълумотларга қараганда бугун 10 миллиондан ортиқ инсон оғунинг қўлига айланган. 40 миллион киши ОИТС (СПИД)дан азият чекомқда. Масалан, биргина Афғонистонда етиштирилган қора дорининг йиллик савдо айланмаси 3 миллиард доллардан ортиқчи ташкил этар экан.

2002 йилда Афғонистонда 3 минг 400 тонна опий ишлаб чиқарилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 3 минг 600 тоннадан ҳам ошган. Жаҳон ахборот манбалари бу йилги мавсумда мамлакатда 600 минг тонна героин тайёрлашга етарли миқдорда опий ишлаб чиқаришга қўшни бўлиб қолган экан. «Қўр хасасини бир марта йўқотди», дейдилар. Аммо, Аллабердибой бу нақлга амал қилмайдиганлардан экан. Чунки, у аввал ҳам шундай қилмиши учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддалари билан айбдор топилди, қора курсига ўтирган-ди. Амнистия тўғрисидаги

Фармондан сўнг овоз бўлган эди. Лекин авфдан тўғри хулоса чиқармаган кўринади.

Тожикистон Республикасининг Турсунзода туманида истиқомат қилувчи Нейматулло Жумаев ва Шарофиддин Ортиқовлар эса афғон ҳамтоволаридан ҳам чаққон чиқиб қолишди. Улар нақд юз кило героинни банан яшиқларга жойлаб, от-аравада қарвон мисоли йўлга отланмишди. Миллионларни орзу қилган хомхаёл жиноятчилар айланма йўллар орқали мамлакатимиз ҳудудига киришган заҳотиёқ уларнинг орзулари саробга айланди. Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари «сарбонлар»нинг қўлларига кишан солишди. Бугунда ҳар иккала иш юзасидан ҳам суриштирув ва тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон оққўнгил, яхши ниятли меҳмонларни иззат-ҳурмат билан бағрига олади. Яхшилар учун юрт остониси доимо очик. Қилмиши қора, мақсади ғаламислик бўлганлар эса жиноятларига яраша жазо олишлари мумкин.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«БАКЛАЖКА»ДАГИ СПИРТ

истеъмолга яроқсиз экан

Бугун савдо расталарида спиртли ичимликларнинг минг тури бор. Ҳўш, ана шу маҳсулотлар сифатлими? Тегишли ҳужжати борми? Масаланинг шу жиҳати муҳим. Негаки, баъзида қўлбола усулда тайёрланиб, савдо дуконларида сотилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Сифатсиз маҳсулот эса инсон соғлиғига зарар етказиши мумкин. Айрим фуқаролар нафса эрк бериб, қилаётган ишим тўғриси, бировга зиён-заҳмат етказмайди, дея ўйлаб қўришмайди.

Дилбар Яхшимова ҳам ўз хатти-ҳаракатини ақл тарозисига қўймаган, десак хато бўлмас. Қолаверса, икки бор суд томонидан жазога тортилган ҳуқуқбузар тўғри хулоса чиқармаган экан. Бу гал ҳам Дилбар Яхшимова қинғир ишга қўл урганга қўлга тушди. У сийғими 1,5 литрли елим идишдаги спирт маҳсулотини тартибга зид ҳолда сотаётган вақтда ушланди. 117 та «баклажка»даги спиртни 225.000 сўмга сотган айёлга «бу ишнингиз ноқонуний», дея баённома тузилди. Суриштирув ва тергов жараёнида у айбини бўйига олиб, кечирилшарини сўради. Суд айбланувчининг оилавий аҳволи, қилмишидан

пұшаймонлигини эътиборга олиб, жазо тайинлади.

Хамкорликда кўп иш қилиш мумкин. Бироқ қонунга зид бўлмаслиги керак. Акс ҳолда оқибати яхши бўлмайди. Жавдатбек Умаров билан Акмал Абдувахобов Тошкент туманида яшашади. Улар ҳам спирт «бизнеси» билан шуғулланишган. Қисқаси, икки «хамкор» Қозғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 180 та «баклажка» этил спиртини сотиш мақсадида Тошкент шаҳрига олиб келишган. Бироқ, савдо «пишмай» қолди. Ўзбекистон Республикаси акциз марказлари билан елимланмаган 1,5 литрли 486.000 сўмлик этил спирти далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Сўнг суриштирув бошланди. Ҳуртимизга ноқонуний олиб келинган этил спирти истеъмолга яроқсиз экан. Суд уларнинг қилмишига ҳам қонуний баҳо берди.

Энди ўйлаб кўрайлик. Қинғир ишга қўл уриб, сўнг пушаймон бўлишдан не фойда?

Раъиз ШОМИРЗАЕВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖ ЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Яққасарой туман бўлими катта инспектори

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НОМЛИ ҚЎҚОН ШАҲАР МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги Ҳамза Ҳақимзода номи драма театрининг том ёпмаси ва ички иситиш тизимини муқаммал таъмирлаш, «ҚМЙ».

Қурилиш муддати — 3 ой

Манзил: Қўқон шаҳар, театроли майдони, телефон/факс: (8-3712) 55-4-11-94, 55-4-21-49.

Қурилиш-монтаж ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли

юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тахрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очини куни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Ўзбекистон халқаро экспедиторлар уюмчаси жамоаси «Ўзватосаноат» компанияси раиси Кудрат ПАРТИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр ҳамдардлик билдирди.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги ишоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади

- ЛОТ-14.1: Наманган вилояти, Норин туманидаги 31-сонли мактабни тайёр ҳолда муқаммал қайта қуриш.
 - ЛОТ-14.2: Наманган вилояти, Турақўрғон туманидаги 5-сонли мактабни тайёр ҳолда муқаммал қайта қуриш.
 - ЛОТ-14.3: Наманган вилояти, Уйчи туманидаги 37-сонли мактабни тайёр ҳолда муқаммал қайта қуриш.
 - ЛОТ-14.4: Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги 43-сонли мактабни тайёр ҳолда муқаммал қайта қуриш.
- Қурилишларни якунлаш муддатлари — 2007 йил 1 август.
- Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.
- Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

- шундай танлов предмети объектларида ишлаш тахрибасининг мавжудлиги;
 - ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектда ўз кучи билан бажаришга режалаштирилган ишлар ҳажми (фонз ҳисобида);
 - 2004-2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 500 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлиги;
 - танлов савдо предмети 20 фоиз миқдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси.
- Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.
- Телефон/Факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.
- Танлов ҳужжатлари битта тўпلامининг нархи — 50 000 сўм.
- Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
- Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати оферталар очилиш куни ва соати.
- Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади.
- Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уй.

ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЛАБГОРЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:

- ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга;
- фуқаролик ҳуқуқий ҳолиятта ва шартнома тузиш ваколатига;

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Baxtiyor DO'SJONOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Allimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Nomoz SA'DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-23-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
70000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Alisher RO'ZIYEV**

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida qo'shimcha bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

1330
7112 nusxada bosildi
1 — Tuzilgan material
O'zA yakuni — 20.45
Toshirish vaqti — 22.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda